O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 11-may • Seshanba • 56 (31.176) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

***Эртага Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг III конференцияси доирасидаги тадбирлар бошланади. Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган делегатлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўладилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси аъзолари билан учрашадилар.***

***Конференция 13 май куни бўлиб ўтади. Унда партиямиз ёш фаоллари ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб қилиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб олишади.***

# «Истиқбол» ёшлар қаноти

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси таркибида фаол, ташаббускор йигит-қизлар, ёш сиёсатчиларни бирлаштиради

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради, деган эди мамлакатимиз Президенти.



Дарҳақиқат, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшлар жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз таянадиган буюк кучга айланиши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ишларга муносиб ҳисса қўшиш сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган ёшларга оид вазифаларни бажариш, партия сафини ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қанотининг тузилганига ҳам тўрт йил бўлди.

Ўтган даврда «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкилий жиҳатдан шаклланди, ўзига хос тажриба тўплади. Ҳозирги кунда жами партия аъзоларининг 107433 нафари, яъни 30 фоизга яқинини ёшлар ташкил этади.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Марказий бошқарўви ташаббуси билан 2008 йилдан буён ёшларнинг сиёсий билимини ошириш, ёш сиёсатчи ва депутатларни кашф этиш мақсадида «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу эса секин-аста ҳаётимизда ўзининг амалий натижасини бераяпти.

2009 йил якунида бўлиб ўтган сайловлар натижасида маҳаллий Кенгашларга 2570 нафардан ортиқ депутатлар бизнинг партиямиздан сайланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, Бухоро, Жиззах вилоят Кенгашларининг 1 нафардан депутати айнан «Истиқбол» фаолларидир.

Жиззах, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида 4 нафардан, Наманган, Навоий вилоятларида 2 нафардан, Самарқанд вилоятида 13 нафар 30 ёшгача бўлган сафдошларимиз туман Кенгашлари, Бухоро, Наманган вилоятларида 2 нафардан, Фарғона вилоятида 8 нафар, Сирдарё вилоятида 3 нафар, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида 1 нафардан «Истиқбол» аъзолари шаҳар Кенгашлари депутатлари бўлдилар.

2-бет >>

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

# Ҳамиша эъзозда

Куни кеча ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши томонидан «Нуронийлар» оромгоҳида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва нуронийлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Алишер Искандаров, «Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Эркин Турсунов, оромгоҳ бош шифокори Равшан Носиров, туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова ҳамда бошқалар йиғилганларни байрам билан табриклаб, уруш қатнашчилари ва нуронийларга берилаётган эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида гапирдилар. Фахрийлар билан дилдан суҳбат бўлиб ўтди. Улар уруш даврини, бугунги фаровон кунга етиб келишимизга кўп хизматлари синган тенгдошлари, сафдошларини ёдга олдилар. Уларнинг мардлиги, жасорати ҳақида гапириб бердилар. Тадбирда фахрийларга совғалар топширилди. Туман маданият уйи хонандаларининг концерт дастури қатнашчиларга байрам кайфияти улашди.

•••

Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган бир гуруҳ депутатлар ҳам байрам муносабати билан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар уюштиришди. Қизиқарли суҳбат, самимий тилаклар фахрийларга бир олам қувонч ҳадя этди. Депутатлар Бозор Эргашев, Ҳаким Холиқов, Салим Мухторов ва Ёқуб Эргашев қарияларнинг уйларига ташриф буюриб, уларни байрам билан табрикладилар.

**Ўз мухбиримиз**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

# Фахрийларга эҳтиром

**Ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари шу анъаналарни давом эттирган ҳолда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда турли тадбирларни амалга ширдилар. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтган икки авлод учрашуви ҳам ана шундай тадбирлар туркумига киради. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, «Истиқбол»нинг Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари фаоллари иштирок этди. Фахрийлар ёшларга ўтган ҳаётлари, уруш хотиралари ҳақида ҳикоя қилиб берар экан, бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш, Ватанга, эл-юртга садоқатли фарзанд бўлиб камол топишлари зарурлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг «Истиқбол»чилар пансионатда ҳашар уюштиришди. Муассаса ҳовлиси, атрофи яна бир бор тозаланди, саранжом-сариншта қилинди.

— Бобо ва момоларимизнинг кўнглини кўтариб, ўзимизнинг ҳам дилимиз яйради, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти Яккасарой туман бўлими етакчиси Ойбек Дўсанов. — Уларнинг бошдан ўтказган кечинмалари, қийинчиликлари бизни ҳаётни, бугунги замонни янада севишга, тинчлигимизни асраб-авайлашга ундайди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА**



Абдиваси ХАЙДАРОВ олган сурат.

**Тиббий хизмат** > 2



**Замбуруғдан заҳарланиб қолманг**



> 3

**2 коллежда хил манзара** > 4

*Ҳеч кимга сир эмас, бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, ғурур ва номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига инонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришга ва ўз юртини ҳимоялашга қурби етадиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва ҳурмат қилади».*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 11 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1420,42 | 1 Польша злотийси | 500,96 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2341,31 | 1 СДР | 2340,16 |
| 1 Дания кронаси | 273,71 | 1 Туркия лираси | 1014,39 |
| 1 БАА дирҳами | 428,09 | 1 Швейцария франки | 1428,84 |
| 1 АҚШ доллари | 1572,30 | 1 Евро | 2039,88 |
| 1 Миср фунти | 280,92 | 10 Жанубий Корея вони | 13,90 |
| 1 Исландия кронаси | 12,41 | 10 Япония иенаси | 169,76 |
| 1 Канада доллари | 1529,77 | 1 Россия рубли | 51,18 |
| 1 Хитой юани | 230,35 | 1 Украина гривнаси | 198,37 |
| 1 Малайзия ринггити | 490,73 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**1 САВОЛГА ЖАВОБ**

***— Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?***



**Гулнора ҚУЛТОЕВА,** *ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси:*

— Назаримда, бугунги етакчи, аввало, партия ишига эътиқодли, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этадиган фидойи одам бўлиши керак. Қаерда етакчи билимдон, фаол ва ташкилотчи бўлса, ўша жойда амалий иш бўлади, сиёсий куч сифатида партиянинг нуфузи, обрўси, мавқеи ошади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, партия ишига қизиқмаган, тасодифан ёки чуқур ўйланмасдан сайланган киши етакчилик қилган партия ташкилотлари фаолияти ҳеч қачон жонланмайди. Айниқса, бугун партия етакчисига талаб ошиб бормоқда. У ўзи меҳнат қилаётган жамоа, яшаётган ҳудуддаги фуқароларни, партиямиз электорати ва хайрихоҳларини ташвишга солаётган муаммоларни яхши билиши ва уларни ҳал этиш учун елиб, югуриши, ҳузур-ҳаловатдан кечиши зарур.

Партия етакчиси журъатли, қатъиятли бўлса, маслакдошларни бирлаштириб, уларни мақсад сари дадил бошлай олсагина унга одамлар ишонади ва эргашади.

# Янги иш ўринлари фаровонлик омили

2-бет

**Баркамол авлод йилида Сурхондарёда 63 минг 700 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган**

***Сурхондарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш дастурига асосан ўтган йили 63 минг 600 нафардан ортиқ фуқаро иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлашган. Жорий йилда эса 63 минг 700 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Бу янги саноат корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш ҳамда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилади. Айни кунларда шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказларининг 144 пункти изчил фаолият юритмоқда.***

## 11 май об-ҳавоси



**Юртимизда**

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | — | 21°C |
| Самарқанд | — | 29°C |
| Нукус | — | 26°C |
| Қарши | — | 30°C |
| Урганч | — | 27°C |
| Навоий | — | 28°C |
| Фарғона | — | 27°C |
| Бухоро | — | 28°C |
| Андижон | — | 27°C |
| Наманган | — | 27°C |
| Термиз | — | 31°C |
| Жиззах | — | 28°C |
| Сирдарё | — | 28°C |
| Тошкент вил. | — | 28°C |

**Хорижда**

| | | |
|---|---|---|
| Лондон | — | 18°C |
| Париж | — | 28°C |
| Москва | — | 14°C |
| Мадрид | — | 27°C |
| Пекин | — | 18°C |
| Гонгконг | — | 26°C |
| Рим | — | 22°C |
| Анқара | — | 21°C |
| Токио | — | 23°C |
| Стокгольм | — | 15°C |
| Кейптаун | — | 24°C |
| Қоҳира | — | 28°C |
| Гавана | — | 31°C |
| Вашингтон | — | 15°C |
| Нью Йорк | — | 20°C |





# «Истиқбол» ёшлар қаноти

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси таркибида фаол, ташаббускор йигит-қизлар, ёш сиёсатчиларни бирлаштиради

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Умуман олганда, 57 нафар «Истиқбол» фаоли бошқа сиёсий партиялар вакиллари билан курашда муносиб иштирок этиб, халқимиз ишончини қозонди. Бу эса бизга ёш депутатлар имкониятлари, ваколатларидан самарали фойдаланиб, амалий ишларимизни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Ўз ўрнида шуни айтиш керакки, партиямиз ёш фаоллари орасидан Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича бирор депутат сайланмагани бу минтақаларда ёшлар қаноти фаолиятини кескин жонлантиришни талаб этади. Тўпланган тажрибадан фойдаланиб, кейинги сайловларда ёш депутатлар сафини кенгайтиришга эришишимиз зарур. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир узоқни кўзлаган сиёсий партия ўзига муносиб ёш кадрларни мунтазам равишда тайёрлаб боради.

Жорий йилнинг февраль-май ойларида ЎзХДПнинг шаҳар, туман кенгашлари, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қанотининг бўлиб ўтган конференцияларида маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партиянинг ёш хайрихоҳлари иштирок этди. Конференцияларда ёшларни ташвишга солаётган муаммолар кўтарилди. Айрим жойларда партия кенгашлари раҳбарлари «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолиятига етарли эътибор бермаётганлиги фаол ёшларни сафимизга жалб этиш иши оқсаб қолишига олиб келаётгани танқид қилинди.

Шунингдек, жойларда «Истиқбол» ёшлар қаноти, етакчиларини тез-тез алмаштириш, уларнинг қунимсизлигига чек қўйиш масалалари муҳокама этилди.

Ёшлар билан ишлаётганда ва улар иштирокида тадбирлар ташкил этаётганда танқидий, мустақил, эркин ҳамда илғор фикрлашни қўллаб-қувватлаш, қолипга тушиб қолган, сийқаси чиққан тадбирлар ташкил этишдан қочиш, ноанъанавий лойиҳалар, дастурларни режалаштириш ҳамда ташкилий ишларга қатнашчиларнинг ўзини кўпроқ жалб этишга эришишимиз кераклиги таъкидланди. Ўз камчиликларимизни ниқоблашга эмас, ошкора муҳокама этишга ҳаракат қилсак, албатта мақсадга эришамиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар қаноти фаолиятини тубдан кучайтириш, унга ёшлар ишончини мустаҳкамлаш учун кенг кўламли ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Президентимиз Ватанимизнинг эртанги куни, келажаги ҳақида гапирганда ҳар доим биз ёшларга катта умид боғлаётганини таъкидлайди. Куни кеча Хотира майдонида журналистлар билан учрашув чоғида ҳам яна бир бор ёшларга катта ишонч билдирди. Биз Юртбошимизнинг «Фарзандларимизга замонавий билим бериш ва уларни ҳақиқатдан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш энг устувор вазифамиз эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор», деган сўзларидан ўзимизга хулоса чиқариб олмоғимиз керак. Бу ғамхўрлик ва ишончга яраша ҳаракат қилиш бизнинг бурчимиздир. Айнан ушбу фикрларни барча тенгдошларимиз онгига сингдириш «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоларининг асосий вазифаларидан ҳисобланмоғи керак, деб ўйлайман.

Бугун «Истиқбол» босиб ўтган қисқа йўлни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, ёшлар қаноти вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ишини жонлантириш энг муҳим вазифамиз эканлигини тан олмоғимиз зарур.

«Истиқлол» ёшлар қанотининг бўлажак конференциясида биз партиямиз ғоя ва дастурларидан келиб чиқиб, навбатдаги вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз керак бўлади. Камчиликларимизни ошкора тан олиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар билдирсак, фаолиятимиз кучаяди, ишимизнинг самараси бўлади.

**Ғайратжон МАМАЖОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши референти, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли.**

---

Ижтимоий ҳимоя

# Янги иш ўринлари фаровонлик омили

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

## *Баркамол авлод йилида Сурхондарёда 63 минг 700 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган*

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 14 мингга яқин иш ўринлари ташкил этилди. Бандлик масаласига қаратилаётган эътибор аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилаётир.

— Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи марказ ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан 2009 йилда ўндан ортиқ меҳнат ярмаркалари ўтказилди, — дейди Узун туман прокурори ёрдамчиси Исомиддин Хуррамов. — Натижада 2 минг нафардан ортиқ киши муқим иш жойига эга бўлди. Уларнинг асосий қисмини аёллар ҳамда ёшлар ташкил этади. Баркамол авлод йилининг ўтган даврида эса икки маротаба ана шундай тадбир уюштирилди. Бугунгача 400 нафарга яқин киши иш билан таъминланди. Йил охиригача туманда 2,5 мингта янги иш жойлари яратиш кўзда тутилмоқда.

— Ўтган йил Узун қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг транспортда юк ва йўловчи ташиш факультетини тамомлагандим, — дейди Шерзод Мелиқулов. — Меҳнат ярмаркасида қатнашдим ва ҳайдовчи бўлиб ишлаяпман.

Термиз шаҳридаги «Shindong Spinning Termez» қўшма корхонаси, Жарқўрғон туманидаги «Фабло-Строй сервис», Музработдаги «Музработ-трикотаж» ҳамда «Хонжиза» шахта қурилиш корхоналарида қарийб 500 та янги иш ўринлари очилди. Бундан ташқари, 2009 йилда касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 3 мингга яқин киши ишли бўлди.

Аҳоли реал даромадининг ошиши, рўзғорлар ободлигига молиявий муассасалар ҳам яқиндан кўмакчи бўлмоқда. 2009 йилда кам таъминланган оилалар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига 2090,7 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 1 минг 394 та янги иш ўринлари яратилган.

Бу борада Жарқўрғон туманида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Бу йил туманда 4,5 мингга яқин иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, сўнгги уч ойда минг нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Касаначиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби сердаромад тармоқларга аҳолини жалб қилиш хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг фаолияти билан ўндан ортиқ конларни ўзлаштириш ишлари бошланган бўлса, келажакда шу соҳада 7 минг нафарга яқин киши янги иш ўринларига эга бўлиши кутилмоқда. Умумий қиймати 447 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган замонавий, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган улкан иншоотни бугун халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Яқин келажакда эса мазкур темир йўл орқали Ҳинд океани, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқиш имкониятлари яратилади.

— Темир йўлнинг ишга тушиши катта янгилик бўлди, болам, — дейди Бойсун туманида истиқомат қилувчи Қодир Назаров. — Туман тубдан ўзгарди, кўркам ва ажойиб иншоотлар қад ростлаяпти. Икки йилдаёқ талай янги мактаблар, коллежлар фойдаланишга топширилди. Уларга қараб кўз қувнайди, дил яйрайди.

Бир сўз билан айтганда, воҳада амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳолини ижтимоий муҳофазалаяпти, оилалар фаровонлигини оширяпти, турмушга қут-барака киритяпти.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжаобод туманида реаблитация маркази очилиши бунинг бир мисолидир.

# Меҳрибонлик

Марказнинг очилишига бағишланган тадбирда ногирон болалар учун тўкин дастурхон ёзилди. Туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги «Армуғон» халқ ансабли бадиий ҳаваскорлари дилтортар куй-қўшиқлари билан кўнгилларга завқ бахш этди. Болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойларнинг чиқишлари ҳам эсда қоларли бўлди.

Шунингдек, тадбирда ногирон болаларга махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа ёрдамчи буюмлар тарқатилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва бошқа ҳомийларнинг совғалари топширилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

# Замонавий аҳоли маскани

Кейинги йилларда Косон туманида қишлоқларни ободонлаштириш, янгича қиёфа касб этишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, туманнинг Гувалак қишлоғида сўнгги йилларда бир нечта мактаб, спорт мажмуи, бадиий гимнастика зали қуриб, ишга туширилди.

Шунингдек, Пўлати қишлоғида давом этаётган катта қурилиш ва ободончилик ишларига ҳавас қилса арзийди. Қисқа вақт оралиғида маҳалла гузарлари, замонавий савдо дўконлари, маиший хизмат тармоқлари қад кўтарди.

Ҳукуматимизнинг қишлоқларда замонавий уй-жойлар қуриш тўғрисидаги қарорига биноан, Пўлати ва Гувалакда ҳам янги уйлар қурилиши бошланиб кетди. Ҳар иккала қишлоқда 40 та намунавий лойиҳа асосида янги уй-жой қурилади. Бу ишларга тумандаги 9 та қурилиш ташкилоти жалб этилган. Уй эгалари учун банкдан кредит ажратилмоқда. Замонавий аҳоли масканида барча қулайликлар муҳайё этилади.

**Юнус УЗОҚОВ**

# Қишлоққа газ келди

Шўрчи туманидаги «Шалдироқ» қишлоғида 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда талай замонавий бинолар, хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

25-умумий ўрта таълим мактаби Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида капитал таъмирланган бўлса, айни кунларда бу ерда 700 нафардан ортиқ ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Баркамол авлод йилида маҳалла фаоллари ташаббуси билан туман марказидан 8 чақирим олисда жойлашган «Шалдироқ» қишлоғига табиий газ келди.

— Қисқа фурсатда тармоқ бўйича газ қувурлари тортилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Холматов. — Йил охиригача 300 дан ортиқ хонадон аҳли «зангори олов»дан баҳраманд бўлади.

**Абду МАЛИКОВ**

---

2010 йил — Баркамол авлод йили

Самарқанд давлат чет тиллар институтида вилоят ҳокимлиги ва Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан «Биз бир замин ва замон фарзандларимиз» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

# Ўзбекистон — умумий уйимиз

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлаш, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқ яшашлари учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Юртимизда барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

— Бугунги кунда юртимизда 140 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилмоқда, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев. — Давлатимиз Конституцияси ва тегишли қонунларда уларнинг таълим-тарбия олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ижтимоий ҳимояланиши ва бошқа ҳуқуқлари кафолатланган. Барча миллат вакилларининг ўз миллий урф-одат ва анъаналари, қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришлари учун зарур имкониятлар яратилган. Бундай муҳит, самимий ва дўстона муносабат мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, бир оиладек яшашларига хизмат қилмоқда. Бугунги тадбир ана шу аҳиллик, бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганим, шу юрт тақдирига дахлдор эканимдан фахрланаман, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Андрей Кан. — Институтда корейс филологияси бўлимида ўқияпман. Бу мен учун икки дўст халқнинг тили ва урф-одатлари, анъаналарини чуқурроқ ўрганиш имконини бермоқда. Келгусида корейс ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни ўз бурчим, деб биламан.

Семинарда мамлакатимиздаги ижодий уюшма ва ташкилотлар вакиллари, вилоятдаги миллий маданий марказлар раҳбарлари айни пайтда юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. «Миллатлараро тотувлик — тараққиёт кафолати», «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — миллий ғоямизнинг асосий тамойили» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон — ягона Ватан» номли тасвирий ва фотоасарлар кўргазмаси, «Тинчлиги барқарор юрт» номли фильм намойиш этилди. Миллий маданий марказлар қошидаги бадиий ансамблларнинг концерт дастури иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# Сифатли тиббий хизмат

Қишлоқ врачлик пунктларида



Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги — қишлоқ врачлик пункти тизими шаклланди. Энди ҳар бир оила ўз шифокорини билгани каби, ёшу қари аҳолининг соғлиғи ҳақидаги маълумот умумамалиётчи мутахассисларга ҳам кундай равшан.



Тошлоқ туманидаги Бирлик қишлоқ врачлик пункти Фарғона вилоятидаги 293 та ана шундай саломатлик масканларининг биридир. У жами 10 минг 49 нафар, жумладан, 14 ёшгача бўлган 3027 нафар болалар, 15-17 ёшли 776, 18 ёшдан юқори 6246 нафар ва туғиш ёшидаги 2789 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатади. ҚВП мудири Муҳаббатхон Мирзаалиева эса уларнинг барчасини танийди. Ахир қишлоқнинг қайси хонадонида кимдир бетоб бўлиб қолса, қайсидир келиннинг ой-куни яқинлашса, дарҳол «опа»ларига мурожаат қиладилар.

— Илгари қон босими кўтарилса ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Энди ҳатто жўнроқ жарроҳлик амалиёти ҳам шу ерда, қишлоқ врачлик пунктида қилинмоқда, — дейди Розиқ ота Ҳайдаров. — Чунки ҚВП яқин, унда малакали шифокорлар хизмат кўрсатади.

Дарҳақиқат, бу ерда бир кеча-кундузда 50 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатилади. 4 та умумий амалиёт шифокори, 19 та ўрта тиббий ходим Гузарбоши, Хўжаариқ, Пастмаҳалла, Қумкўча, Тегирмонбоши, Тожикқишлоқ ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолини саломатлигини муҳофазалашда самарали фаолият олиб боради.

Ўтган йили Бирлик ҚВПсида 35666 та қатнов рўйхатга олинди. Уларнинг 47,5 фоизи профилактик мақсадларда бўлган. Бундан ташқари, шифокор ва патронаж ҳамширалар уйма-уй юриб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қиладилар. Натижада аҳоли ўртасидаги юқумли, масалан, вирусли гепатит билан касалланиш 1,5 маротаба, ўткир ичак инфекцияси билан касалланиш 60 фоизга камайган. Сўнгги йилларда аҳоли орасида ботулизм, қизамиқ, дифтерия, қорин тифи каби хавфли юқумли касалликлар аниқланмади.

— ҚВПларнинг самарадорлиги сабабларидан яна бири — «Саломатлик» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб ва жиҳозлар билан таъминланган, — дейди Бирлик қишлоқ врачлик пункти мудири Муҳаббат Мирзаалиева. — Пунктимизнинг ўзига 21 миллион сўмлик 56 турдаги жиҳоз келтирилган. Жами 4 миллиард 160 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар аҳоли хизматида. ҚВП лабораторияларида қон таҳлили, аниқ ташҳис қўйиш ва даволаш имкониятлари кенгайди. Шифокор ва ҳамширалар учун ўқув марказлари ташкил этилиб, мунтазам малакаси ошириб борилмоқда.

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг берган маълумотларига кўра, ҚВПларда фаолият кўрсатаётган умумамалиёти шифокорларнинг малакасини оширишга 135 нафар мутахассис жалб этилган. Улар тиббиётдаги янгиликлар, сўнгги русум тиббий жиҳозларни қўллаш борасида ўнлаб ихтисослашган ўқув семинарлари уюштирдилар. Унда акушер-гинекология, педиатрия, инфекцион касалликлар, болалар ҳамширалиги каби йўналишлар бўйича амалий ва назарий машғулотлар ўтказилмоқда.

— Қишлоқ врачлик пунктлари нафақат даволаш маскани, балки тиббий маданият тарғибот маркази ҳамдир, — дейди «Саломатлик» лойиҳаси Фарғона вилоят бюроси директори С.Атабалаев. — Қишлоқ аҳолиси ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этиб, тиббий маданиятга оид адабиётларни ҳам тарқатадилар. Масалан, биргина «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида 30 мингдан зиёд нусхада «Туғуруқ уйидан чиққан аёлларга тавсиялар», «Эмлаш календари», «Кўкрак сути билан боқиш китоби» каби брошюралар тарқатилди.

— Ҳомиладорлик кезларим ёки туғуруқдан сўнг ҳам ўзим ва гўдагим саломатлигини назоратдан ўтказиш, зарур маслаҳатлар олиш учун қишлоқ врачлик пунктидаги шифокорлар билан доимий алоқада бўлиб турдим, — дейди ёш она С.Аҳмедова. — Шифокор ва ҳамширалар мендан қимматли кўрсатмаларини аямадилар. Бугун қизалоғим соғлом вояга етмоқда. Шифокорлар билан учрашганимда нафақат инсон саломатлиги борасида, балки аёл, она сифатида соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиялаш йўлида яна нималарга амал қилишим лозимлиги ҳақида тавсиялар беришади.

Республикамизнинг чекка ҳудудларида, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бугуннинг асосий вазифасига айланди. «Болаларни интеграллашган усулда даволаш», «Хафақонлик касалликларни эрта аниқлаш», «Темир танқислиги анемиясини аниқлаш ва даволаш», «ҚВПларни аҳоли жон бошига қараб молиялаштириш», «Репродуктив саломатлик», «Аҳоли маълумотлар базасини яратиш» лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *Тошлоқ туманидаги Бирлик қишлоқ врачлик пунктидан лавҳалар.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.**

# Ижтимоий ҳимоя тизими самаралари

**Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан биридир. Унинг моҳияти шундаки, аҳолининг барча, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлади.**

**Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳолининг турмуш даражасини янада оширишдек хайрли мақсадлар кўзлангани унинг самарадорлигини таъминламоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 940 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоиз кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этди.**



**ЎзА мухбири ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Шуҳрат САИДОВ билан суҳбатлашди.**

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани амалда ўз самараларини бераётир, — дейди Ш.Саидов. — Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 215 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмалар ривожлантирилаётгани алоҳида аҳамият касб этди.

Касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали шакллари ҳисобланади. Ушбу соҳаларда 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, уларда асосан аёллар, кўп болали оналар ва ногиронларнинг меҳнат фаолияти таъминлангани бунинг далилидир. Шу боис мазкур соҳаларни, хусусан, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини ривожлантириш мақсадида Бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасидан жами бир миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди.

***— Меҳнат бозорини янада ривожлантириш, унда ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?***

— Меҳнат бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Чунки бирор иш билан банд бўлган инсон нафақат ўзи, балки оиласига, жамиятга фойда келтиради. Шу боис мавжуд корхона ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилиб, бўшаётган ёки яратилаётган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бунда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 277 шундай тадбирда 12 мингдан ортиқ иш берувчи бўш иш ўринларини аҳоли эътиборига ҳавола этди. Унда иштирок этган 76 минг нафар фуқародан 30 минг нафари ўзига муносиб иш топди.

Жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ҳам фуқаролар мурожаати алоҳида эътиборда. Жорий йилда иш сўраб мурожаат қилган 155 минг нафар фуқаронинг 138 мингдан ортиғи малакасига қараб ишга жойлаштирилди. Фуқароларнинг меҳнат бозоридаги рақобатга бардошлилигини кучайтириш мақсадида талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши борасида уларга барча шароитни яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларга касб ўргатиш ва ишга жойлаштириш уларнинг манфаатига хизмат қилувчи муҳим омил экани эътиборга олиниб, жорий йилда шу мақсадга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўтган даврда етти минг нафар киши иқтисодиёт тармоқларида талаб кучли бўлган мутахассисликлар бўйича касбга ўргангани ва ишга жойлаштирилгани, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этгани шундан далолат.

***— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларга кўрсатилаётган ғамхўрлик хусусида тўхталиб ўтсангиз.***

— Дарҳақиқат, аҳолининг ушбу қатлами давлатимизнинг доимий эътиборида. Уларнинг аниқ манзилли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари изчил йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда айни пайтда 29,3 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар, жумладан, 8,4 минг нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар ижтимоий хизмат кўрсатишнинг барча турлари — бепул озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминланмоқда. Хусусан, уларга 1130,7 миллион сўмлик моддий ёрдам, 571,3 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар ажратилди.

Юртимизда инсон манфаатлари муҳофазасини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

**ЎзА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.**

Тафсилот

Буюк Британия парламенти қуйи палатасига бўлиб ўтган сайлов натижалари расмий эълон қилинди.

# Ғолиблар бор, аммо...

## ҳукуматни шакллантира олмайди

Марказий сайлов комиссиясидан маълум қилишларича, 649 та сайлов округида ғолиблар аниқ. Англия шимолидаги биргина Терск-энд-Молтон округида депутатликка номзодлардан бири вафот этганлиги сабабли сайлов уч ҳафта кейинга сурилди.

Шуниси ачинарлики, дейилади Британиянинг «Sky News» телеканали хабарида, сайлов жараёнларида қуйи палата депутатлик мандати учун қизғин кураш олиб борган бирорта партия ҳукуматни мустақил шакллантириш ваколатини қўлга киритадиган даражада абсолют кўп жойни эгаллай олмади. Бундай ҳолат 1974 йилдан бери илк бор қайд этилиши. 13 йилдан бери ҳукмронликни қўлдан бермай келаётган



Лейбористлар партияси эса бу гал иккинчи ўринни эгаллади. Яъни, қуйи палатанинг 650 та мандатидан 258 тасини қўлга киритди. Улар учун 8,6 миллион киши — 29 фоиз сайловчи овоз берди. Лейбористлар партияси 2005 йилги сайловга нисбатан 91 та ўринни бой берди. Бу галги сайловда ғолибликни қўлга киритиш Консерваторлар партиясига насиб этди. Улар 306 та мандатга эга бўлдилар. Бу 2005 йилги сайловдагидан 97 тага кўпдир. Улар учун 10,7 миллион киши, яъни 36 фоиз сайловчи овоз берди. Аммо ҳукуматни мустақил шакллантириш учун бу мандат камлик қилади. Уларга яна 20 та мандат етмайди. Шунинг учун ҳам улар сайловда 57 та мандатни қўлга киритиб, учинчи ўринни олган Либерал-демократлар билан коалиция тузиш борасида музокаралар олиб боришни мўлжаллаб турибди. Либерал-демократлар ҳам 2005 йилги кўрсаткичга етолмади, яъни, 5 та ўрин кам эгаллади.

Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия миллий партияси 12 фоиз овоз олиб, 27 та ўринни қўлга киритди. Яшиллар партияси бу сафар биринчи бор парламентда ўрин олиш бахтига муяссар бўлгани ҳолда, ўнглар партияси — Мустақил бирлашган қироллик ва Британия миллий партияси вакиллари бирорта ҳам ўрин ололмади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бу галги сайловда расмий рўйхатга олинган 44 миллион сайловчидан қарийб 30 миллиони, яъни 65 фоизи иштирок этди. Бу 2001 ва 2005 йиллардаги сайловларда қайд этилган кўрсаткичдан анча юқори.

# Депутатлар муштлашуви оқибатида

## сессия залига зарар етди

Маълумки, 27 апрель куни Украина Олий радасида Россия билан газ ва денгиз флоти бўйича эришилган шартномани ратификация қилиш масаласи дастлаб баҳс-мунозарага, сўнг тортишувга, кейин эса муштлашувга айланиб кетганди. Яъни, мухолифатдаги депутатлар тўполон кўтариб, сессияни муштлашувга айлантириб юборгандилар. Натижада сессия залига жиддий шикаст етди.

Олий рада спикери Владимир Литвиннинг айтишича, дейилади «NEWSru. ua» сайтидаги хабарда, умумий етказилган зарар 1 миллион гривна (126 минг доллар)дан ортиқ. Фақат сессия залининг полини ва мебелларини таъмирлаш учун 912 минг,



техник воситалар таъмирига эса 98 минг гривна маблағ керак.

Ушбу зарар давлат бюджети ҳисобидан эмас, балки партияларнинг парламентдаги фракциялари етакчилари ҳисобидан қопланиши лозим.

Дарвоқе, Киев шаҳар прокуратураси депутатларнинг ушбу муштлашуви юзасидан безорилик моддаси бўйича жиноий иш қўзғади. Ҳозир суриштирув-тергов жараёнлари олиб борилмоқда. Украина Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам тергов-суриштирув ишларига ёрдам бермоқда.

Республика қонунчилигида безорилик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш чораси белгиланган.

Германиянинг «Forsa» социологик институти яқинда фуқаролар ўртасида ўзига хос сўров ўтказди. Яъни, ҳозирги авлод Иккинчи жаҳон уруши, у якунланган кун, Германиянинг таслим бўлиши ҳақида нималар билишини аниқлади.

# Уруш якунланган кун

## ҳақида билмас экан

«Deutche Welle» хабарига қараганда, сўровда иштирок этган 18 ёшдан 29 ёшгача бўлган немисларнинг учдан икки қисми, аниқроғи, 68 фоизи Европада Иккинчи жаҳон уруши тугаган санани билмас экан. 85 фоиз аҳоли 8 майни, яъни немисларнинг мағлубиятга учраган кунини (шу куни фашизм бутунлай таслим бўлганлиги ҳақидаги протоколни имзолаган) мағлубият куни сифатида эмас, балки озодлик куни сифатида эсларкан. Урушдаги йўқотишлар, қурбонлар ҳақида ҳам ҳозирги ёшлар деярли маълумотга эга эмас. 18 фоиз сўров иштирокчиларигина бу борада аниқ маълумот беролган, холос.

Бундан кўриниб турибдики, немисларнинг ҳозирги замон авлоди Иккинчи жаҳон уруши ҳақида етарли ахборот билан кам таъминланган.

# Жамоат осойишталигини бузди

## натижада жаримага тортилди

Шаҳарларда кўп гувоҳ бўламиз, айниқса, Тошкентда: «Молоко», «Сут бор», «Қатиқ» деган чақириқлар деярли ҳар тонгда кўп қаватли уйлар атрофларида жаранглайди. Буни қарангки, шунга ўхшаш ҳолатлар Парижда ҳам бор экан.

Куни кеча Версал апелляция суди айнан эрта тонгда жамоатчилик осойишталигини бузгани учун турли пишириқлар сотувчиси Пауло Паисни 650 евро миқдорида жарима жазосига тортди.

«France Presse» АА маълум қилишича, Пауло ҳар тунда турли пишириқлар пишириб, эрта тонгда Париж шимолида жойлашган Нел-ля-Валле шаҳарчасидаги кўп қаватли уйлар аҳолисига иссиқ пишириқлар сотиб юрган. Яқинда ўз мижозлари сонини кўпайтирмоқчи бўлди, шекилли, қўшни шаҳарча — Мери-сюр-Уазга ҳам ўтди. Унинг савдоси кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. Айнан ёқтирмаган кишилар тўғридан-тўғри сотувчининг ўзига айтмай, шаҳар мэрига ва судга мурожаат этибди: «Эрта тонгдан машинаси сигналини чалиб, тинчимизни бузмоқда», деб. Суд эса сотувчини жаримага тортди.



**Манбалар асосида
Алимбек ТОШБЕК
тайёрлади.**

# ТАЛИМАРЖОННИНГ БИТТА МАРЖОНИ

Қашқадарё вилоят ҳокимининг «Талимаржон шаҳарчасида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, маданий-маиший, маданий-маърифий ишлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори шу йил 29 март куни кучга кирди.

Шу муносабат билан шаҳарчадаги 1971 йил қурилган Маданият саройини таъмирлашга киришилди. Мазкур иншоот хароба аҳволга тушиб қолган эди. Ҳомий ташкилот — «Қарши» магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси тегишли маблағни ажратди. Айни кунларда маданият саройини таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Сарой зарур мебель ва жиҳозлар билан ҳам таъминланади, келгусида у Талимаржоннинг битта маржонига айланади.

Дарвоқе, бу гўшада яна қатор ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

# ЗАМБУРУҒДАН ЗАҲАРЛАНИБ ҚОЛМАНГ

Баҳор келиб ёмғирли кунлар бошланиши билан вилоятимиз тоғ бағирларида, қир-адирларда, истироҳат боғларида, магистрал йўл ёқаларида замбуруғлар кўплаб ўсиб чиқа бошлади. Замбуруғлар таркибида инсон организми учун зарур бўлган Оксин, витамин A,$B_1$,$B_2$, PPC, шунингдек, жуда муҳим минерал моддалар — калий, фосфор, натрий, калций ва темир тузлари бор. Шу билан бирга, замбуруғлар баҳор неъмати бўлгани учун ҳам аҳоли эҳтиёжи ва қизиқишига сабаб бўлади.



Шифокор огоҳлантиради!

Республикамиз ҳудудида 150 га яқин турдаги замбуруғ бўлиб, улар 3 турга — истеъмол қилинадиган, истеъмол қилишга ярокли ва истеъмолга яроқсиз турларга бўлинади.

Истеъмол қилинадиган замбуруғлардан дашт оқ замбуруғи ва дала шампиони Ўрта Осиёда кўплаб учрайди. Улар мазалиги ва хуштаъмлиги билан алоҳида ўрин тутади. Буларни пишиқ оқ танаси ва сал думбайиб турадиган қалпоқчаси бўлади. Шу сабабли, уларни қалпоқчали замбуруғлар дейишади. Дала оқ замбуруғларига ўхшаш қалпоқчали шампион замбуруғлари ҳам учрайди. Улар дарё қирғоқларидаги ўтлоқларда, бутазор ва дарахтзорларда ўсади.

Истеъмол қилишга яроқли замбуруғлар турига сморчок ва строчок киради. Буларни маҳаллий тилда қўзиқоринлар дейишади. Уларнинг танасида кўплаб найсимон тешиклар бўлади ва эрта баҳорда ўсиши сабабли баҳор қўзиқоринлари деб аташади. Улар асосан апрель ойида учрайди. Кунлар исиши билан йўқолиб кетади.

Сморчок ва строчокларни истеъмолга яроқли деб ҳисобланишининг сабаби уларни истеъмол қилишга тайёрлаш технологиясига риоя этилмаса, заҳарланишга олиб келиши мумкин. Чунки улар таркибида гельвел кислота каби заҳарли моддалар бўлади. Гельвел кислотаси қонни гемолиз қилади, жигар, буйрак, юрак ва талоқни заҳарлайди. Строчоклар таркибида гельвел кислотадан ташқари гирометрин каби марказий нерв системасига таъсир этадиган заҳарли модда ҳам бўлади. Ушбу модда термик ишлов бериш вақтида сувда эримайди. Шу боис булар қайнатилгандан кейин ҳам заҳарланишга сабаб бўлади.

Истеъмол қилиб бўлмайдиган заҳарли қўзиқоринлар турига рангсиз поганкалар, зелинушка, қизил ва пантерли мухоморлар қўнғироқдор липиота ва жигар ранг қизил липеталар киради. Заҳарли қўзиқоринлар туридан Ўрта Осиё шароитида асосан қизил, жигарранг липеота ва қўнғироқдор липеоталар учрайди. Қўнғироқдор липеоталар ўрмон ялангликларида, яйловларда, томорқаларда, жигарранг липеоталар хиёбон ва боғларда кесилган дарахтлар ўринларида ўсади. Заҳарли замбуруғлар туркумига захерларда учрайдиган моғор замбуруғлари, тупроқ чириндилари ва пори гўнг уюмларида учрайдиган гўнг сиё замбуруғлари ҳам киради. Бу замбуруғ турлари таркибида жуда ўткир заҳарли моддалар бўлиб, марказий нерв, юрак-қон томир системаси, буйракка таъсир этадиган, жигарранг ва қўнғироқдор липиоталар таркибида жигар, буйрак, ошқозон системасига таъсир этадиган заҳарли моддалар бўлади. Ушбу заҳарли моддалар термик ишлов бериш вақтда умуман йўқолмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда хонадонларда қўзиқоринлардан консервалар тайёрлаш одат тусига кириб бормоқда. Аммо бу икки томонлама хавфлидир.

Биринчидан бу ишлатиладиган қўзиқоринлар пишиб ўтиб кетган қўзиқорин бўлиши керак.

Иккинчидан қўзиқоринларга тупроқдан ўтган ботулин споралари консерва тайёрлашда юқори температурада жуда яхши ривожланади. Шу билан биргаликда уй шароитида консерва тайёрлашда технологик режимларга тўлиқ риоя этилмайди. Шу сабабли герметик ёпиқ идишларда ботулин споралари тез ривожланади ва ўзидан ўта сабали ботулин токсин ажратади ва заҳарланишнинг оғир тури ботулизмга олиб келади. (Ботулизм споралари 90-120 фоизи ўттиз дақиқа қайнатилганда ўлиши мумкин). Уй шароитида бунга риоя этишнинг иложи йўқ.

Заҳарланиш белгилари қўзиқорин егандан кейин 2-10 соат ўтгач, пайдо бўлади. Дастлаб қорин оғрийди, бемор кўнгли айниб қайд қилади (қайд қилиш ҳатто 2-3 кун давом этади), бемор кундан кунга ҳолсизланиб боради. Ранги сарғаяди. Жигар ва талоқ катталашади. Заҳарли моддаларни марказий нерв системасига таъсир этганлиги сабабли бемор алахсирайди.

Жигарранг қизил липеота еб заҳарланганда болдир мускуллари тортишади, бемор совуқ қотади, қўл-оёқлари кўкаради.

Қўзиқорин консерваларидан заҳарланганда кўриш қобилияти ёмонлашади, кўз олди хиралашади. Нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринади. Кўз қорачиқлари кенгаяди. Касаллик оғир кечади. Ҳатто қорачиқлари ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Қўзиқоринлардан заҳарланишни олдини олиш борасида вилоят, шаҳар, туман ДСЭНМлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тоғ ва тоғолди ҳудудларда истироҳат боғларида қўзиқоринларни териш, янги терилган қўзиқорин ва қўзиқорин консерваларини бозорларда, кўча-кўйда сотиш ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлатишни тақиқлаш бўйича шаҳар, туман ДСЭНМларнинг қарорлари чиқарилди. Бозорларда рейд текширишлари ташкил этилди. Текширишларда аниқланган 128 кг ёввойи қўзиқорин савдодан олиб йўқотилди.

**Рустам ЭШИМОВ,
Самарқанд вилоят ДСЭНМ
бош врачи ўринбосари.**

# Икки коллежда икки хил манзара

Куни кеча Президентимизнинг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш борасидаги вазифалар аниқ-равшан қилиб белгилаб берилган.

***Хўш, қишлоқ жойлардаги спорт иншоотларининг бугунги аҳволи қай даражада, улардан қандай фойдаланилаяпти, болалар ва ўсмирларни спорт машғулотларига жалб этиш қамрови, спорт билан шуғулланиш самарадорлиги, бу борадаги мавжуд муаммолар хусусида нималар дейиш мумкин?***

Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Жиззах вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида бўлдик. Бошқарма етакчи мутахассиси Неъматжон Ориповнинг таъкидлашича, мавжуд 4 та академик лицей ва 74 та касб-ҳунар коллежининг ҳаммасида болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт заллари қурилган ҳамда уларда зарур шарт-шароитлар яратилган. Спорт объектлари тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт асбоб-ускуналар ва инвентарлари билан жиҳозланган. Болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланиш қамрови ҳам кенг. Жами 59 минг 62 нафар ўқувчининг 23 минг 573 нафари спортнинг у ёки бу тўгараги машғулотларига доимий жалб этилган бўлиб, бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Мавжуд 413 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ва спорт мураббийининг 37 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган ҳикматга амал қилиб, туманлардаги айрим касб-ҳунар коллежларидаги спорт иншоотларининг сақланиши, жиҳозланиши, улардан фойдаланиш даражаси билан яқиндан танишишни маъқул кўрдик.

Дастлаб Зарбдор туманидаги Саноат касб-ҳунар коллежида бўлдик. 713 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган бу даргоҳда қурилган спорт зали ташқи кўринишидан киши ҳавасини келтиради. Афсуски, бинонинг ичкариси қаровсизлик туфайли анчайин файзсиз бўлиб қолган. Томидан ёмғир ва қор сувлари ўтиб, деворларининг сувоқлари кўчиб туша бошлаган, спорт инвентарлари эса дуч келган жойда сочилиб, чанг босиб ётибди.

*Объектдан фойдаланиш даражаси — кунлик ва ҳафталик спорт турлари билан шуғулланиш, тўгараклар машғулотлари, спорт тадбирлари, соатлари, сони, сифати билан қизиқдик. Саволларимиз эса негадир жавобсиз қолди. Шу куни, айни шу соатда эса спорт залида ҳеч ким йўқ эди ва ҳеч қандай тадбир ҳам, машғулот ҳам ўтмаётганди. Нима ҳам дердик? Аҳвол ортиқча изоҳга муҳтож эмас.*

Коллеж ҳовлисида биз билан суҳбатдош бўлган қизлар ва ўғил болалар «Спортнинг бокс, гимнастика, кураш турларига қизиқамиз, лекин мураббийлар ҳамда инвентарларнинг етишмаслиги сабабли бу тўгаракнинг машғулотлари ўтилмаяпти», дея фикр билдиришди.

Спорт залида жисмоний тарбия ўқитувчилари Фарҳод Турсунмуродов ҳамда Гулчеҳра Турсунова билан суҳбатлашдик. Уларнинг айтишларича, коллежда спорт ускуналари ва инвентарлари жуда кам, турли хил тренажёрлар, тўшамалар умуман йўқ. Ҳатто футбол, волейбол, баскетбол тўплари ҳам етишмас экан.

Савол туғилади: коллеж раҳбарияти югурмаса, жон койитмаса, чора кўрмаса, ким келиб бу муаммони ҳал қилиб беради?

Бошқа бир ўқув даргоҳи — Мирзачўл туманидаги Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бутунлай ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Тўққиз йўналиш бўйича 708 нафар ўқувчи касб-ҳунар ўрганаётган ушбу таълим ва ҳунар масканидаги спорт зали биз борган пайтда болалар билан гавжум эди. Бир томонда қизлар теннис ўйнаётган бўлса, бошқа томонда волейболчи болалар ўртасида мусобақа давом этаётган экан. Иншоотнинг рисоладагидай сақлангани ва ундан самарали, мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганини бир қарашдаёқ пайқаш қийин эмасди. Мавжуд спорт инвентарлари ва ускуналари жой-жойига қўйилган, ҳар куни ишлатилаётганлиги сабабли ҳеч бирида чанг-ғубор кўрмайсиз.

— Бизда уч нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси ва уч нафар мураббий фаолият кўрсатаяпти, — дейди коллеж раҳбарининг ўринбосари Аҳмад Қаллибеков. — Ҳаммаси малакали мутахассислар, ўзлари ҳам спорт билан мунтазам шуғулланади. Улардан бири аёл мураббий. Бу эса коллежимизда ўқиётган қизларимиз спортнинг ўзлари ёқтирган турлари билан шуғулланишлари, шу тариқа саломатликларини мустаҳкамлаб боришларига имкон бермоқда. Ўқувчиларимиз орасидан спорт турлари бўйича республика ҳамда халқаро даражадаги мусобақалар иштирокчилари, ҳатто совриндорларининг етишиб чиқаётганлигидан хурсандмиз.

Кўриб турганингиздек, икки коллежда икки хил манзара. Қаерда аҳвол қандайлиги ушбу таълим масканлари раҳбарлари фаолиятига боғлиқ, албатта.

Президентимизнинг болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қарорида буюк мақсад — соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш кўзда тутилган. Бунинг моҳиятини англаган раҳбар эса ҳар қандай муаммонинг ечимини топади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хушхабар



# Ришоднинг навбатдаги ютуғи

Куни кеча дзюдо бўйича Тунисда гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир якунланди. Унда дунёнинг қирқ тўққиз давлатидан уч юз эллик нафарга яқин спортчи ғолиблик учун майдонга тушди.

Қувонарлиси, мазкур мусобақада иқтидорли дзюдочимиз, Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори Ришод Собиров (60 кг) ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Бухоролик полвон муросасиз кечган беллашувларда украиналик Максим Коротун, Георгий Зантария, германиялик Тобиас Энгелмайерни мағлуб этиб, финалга йўлланма олди. Ришод ҳал қилувчи баҳсда дзюдо ватани вакили Масаки Фукуока (Япония)ни доғда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди.

Бунгача моҳир спортчимиз 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш учун жамғариладиган рейтинг очколари берувчи Халқаро дзюдо федерациясининг бир қатор нуфузли мусобақаларида кучлилар қаторида эътироф этилганди. Жумладан, Ришод Собиров Германия ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтган гран-при босқичи беллашувларида олтин ҳамда бронза, Жанубий Кореяда ўтказилган «World Masters» туркумидаги халқаро турнирда кумуш медалга сазовор бўлганди.

**(Ўз мухбиримиз)**

СПОРТ ↘ СПОРТ

## Голларга бой тур

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лига жамоалари саккизинчи тур баҳсларини ўтказишди. Кўпчилик эътибори «Нефтчи» — «Пахтакор» жамоалари ўйинига қаратилди.

Муросасиз кечган мазкур ўйинда 3:3 ҳисоби қайд этилди. Ушбу баҳсни бошқариб борган бош ҳакам андижонлик Рустам Ҳамидов фаолиятига икки баҳо қўйилди.

Мухлислар яна бир қизиқарли учрашувга Қаршида гувоҳ бўлишди. Унда «Насаф» футболчилари «Андижон» вакилларига қарши майдонга тушдилар — 3:1.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Локомотив» — «Олмалиқ» — 0:0, «Бунёдкор» — «Динамо» — 2:1, «Шўртан» — «Машъал» — 1:0, «Металлург» — «Хоразм» — 3:1, «Қизилқум» — «Навбаҳор» — 1:0.

Навбатдаги тур баҳслари 15-17 май кунлари ўтказилиши белгиланган.

## Кимнинг имконияти қандай?



Бугун ОФК кубогининг нимчорак финал босқичи баҳслари бошланади. Унда илк маротаба юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси сафарда Суриянинг «Ал-Карама» футболчилари меҳмони бўлишади.

Шунингдек, Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувларини муваффақиятли якунлаган Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ҳам нимчорак финал босқичида ўз омадларини синаб кўрадилар. Жумладан, пахтакорчилар Қатарда «Ал-Ғарафа», бунёдкорчилар эса Саудия Арабистонида «Ал-Ҳилол» футболчилари билан куч синашади.

Эслатиб ўтамиз, ҳар иккала мусобақада ҳам нимчорак финалда кучлилар бир учрашув натижасига кўра аниқланади.

Бангкок (Таиланд)да дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлати вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳам муносиб қатнашдилар.

## Бангкокдан медаллар билан

Якунда Фарҳод Тўраев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси икки кумуш ва тўртта бронза медалларига сазовор бўлишди. Жумладан, ўз вазн тоифаларида Давронбек Сатторов (81 кг), Бекзод Сахатов (+100 кг)лар шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олишган бўлса, Миржон Тўхтаев (55 кг), Фозилжон Сабиев (60 кг), Комилжон Бўстонов (66 кг), Шуҳрат Тўрабоев (100 кг)лар фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги беллашувларида вакилларимиз Гулноза Матниёзова (63 кг) кумуш, Кристина Ковалёва (45 кг) ҳамда Комила Зубайдуллаева (70 кг)лар бронза медали билан тақдирланишди.

## Европанинг энг бой клуби

Forbes журналининг хабарига кўра, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол клуби бу йил ҳам Европанинг энг бой клуби, дея эътироф этилди. Клубнинг таннархи 1,8 миллиард долларни ташкил этди. Яъни кимда ким «МЮ»ни сотиб олмоқчи бўлса, марҳамат 1,8 миллиардни санаб берсин-да олиб кетаверсин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, учта энг бой клуб рўйхати ўзгармаган. Иккинчи ўринда Мадриднинг «Реал» футбол клуби бормоқда. Унинг нархи 1 миллиард 323 миллион долларни ташкил қилади. Учинчи ўриндаги «Арсенал» (Англия) клуби 1 миллард 181 миллион доллар туради.

**Эркин ХОЛБОБО.**

# Ҳалол меҳнат баҳоси

Қадр

Уруш бошланган дастлабки кунларда Абдулла ака ва ўғли Тиллага баравар чақирув қоғози келди. Ота тўғри фронтга жўнаб кетди. Айни навқирон ёшдаги Тилла эса Тошкентдаги офицерлар тайёрлаш курсида олиб қолинди. 1942 йилда курсни тамомлаган 20 ёшли ўғлон лейтенант унвонини олди ва контрразведка офицери сифатида урушга юборилди.

Жангда энг хавфли ва масъулиятли хизмат — душман томоннинг кучини олдиндан аниқлаш. Мана шундай муҳим вазифани бажаришга Тилла сафарбар этилди. Сталинграддаги жангда Тилла ва унинг сафдошлари 30 нафар немис генералларини асирга олди.

Урушнинг суронли йилларида ота ва бола бир-биридан узоқда жанг олиб борар эди.

— Ўша пайти биз Польшада эдик, — дея эслайди Тилла ака. — Бир куни мен хат олдим. Мактуб тўрт йилдан буён дийдорини соғинганим, қадрдоним отажонимдан эди. Уни йиғлаб ўқидим. Болаликдаги хотиралар ёдимга тушди. Олтиариқнинг чанг кўчалари, анвойи гулли ҳовлимиз, онам, отам барчаси кўз ўнгимга келди. Хатда ёзилишича, отам Берлин шаҳри яқинида экан.

Тилла командиридан рухсат сўрашга ошиқди. Командир унга рухсатдан ташқари машина ҳам берди. Ота-бола орасидаги масофа қарийб 700 километр эди.

— Манзилга етиб бордим, — деб эслашда давом этди Тилла ака. — Сўраб-суриштириб отамни топдим.

...Ота-боланинг нигоҳлари тўқнашганида ҳар иккаловининг хаёлидан ўтган биринчи фикр шу бўлди: «Худога шукр, тирик экан!»...

Фарзанд ўзини отасининг қайноқ бағрига отди, ота эса ўғли дийдорига тўйди. Ота-бола жангчилар узоқ суҳбат қурди...

— Сизни ўзим билан олиб кетаман, — деди Тилла.

— Майли-ю ўғлим, аммо командирдан рухсат олиш керак-да.

Жангчи ўғил отасининг командиридан рухсат сўраганида у: «Отангнинг яна бир-иккита вазифаси бор, шуни бажарганидан сўнг уйга кетади. Аммо у сендан олдин боради»,— деди кулиб. Ноилож ота-бола «Олтиариқда кўришгунча!» деб хайрлашишди.

Командирнинг гапи тўғри экан — Абдулла ака ўғлидан олти ой олдин уйига қайтди. Тилла Абдуллаев контрразведкачи бўлганлиги боис яна бир қанча вазифаларни бажаришига тўғри келди. Ниҳоят, у ҳам юртига қайтди.

Урушдан кейин Тилла Абдуллаев бироз ҳарбийда ишлаб, сўнг ички ишлар хизматига ўтди. У дастлаб Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлади. Кўп ўтмай Фарғона шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига тайинланди.

Тажрибаси ва шижоати ҳисобга олиниб, у Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи, сўнгра Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи лавозимига ўтказилди.

Тилла Абдуллаев айнан Самарқандда ишлаб юрган кезларида генерал-майор унвонини олди ва шу ердан эъзоз билан пенсияга кузатилди. Бироқ у ИИВ Фахрийлар кенгашининг аъзоси сифатида кўп йиллар ташкилотчилик ишларини амалга оширди.

Бу йил истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев саксон саккиз ёшни қарши олмоқда. Умри халқ хизматида ўтган отахоннинг олдига шогирдлари ва айни чоғда ички ишлар тизимларида фаолият юритаётган ёшлар келиб туришади. Улар Тилла отанинг ўгитлари ва тажрибасини бебаҳо бойлик, деб билишади. Дарҳақиқат, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган инсон, унинг ҳаёт йўли, тажрибаси қадрли ва эъзозли. Ҳалол ўтказилган умрнинг баҳоси шундай азиз, мўътабар.

***Сарвар СОБИРОВ,***
***журналист.***

***Жиззах вилояти ногиронлар жамияти қошида ташкил этилган компьютер саводхонлиги ва бухгалтерия ҳисоби курсларида жисмоний имконияти чекланган ёшлар касб-ҳунар эгалламоқда.***

# Имкониятлардан самарали фойдаланиб

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган грантлар танловида вилоят ногиронлар жамияти жисмоний имконияти чекланган ёшларни компьютер саводхонлиги ва бухгалтерликка бепул ўқитиш, Жиззах шаҳар ногиронлар жамияти чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар билан иштирок этди ва ғолиб чиқди. Айни пайтда ҳар бир лойиҳа бўйича грант маблағи олиниб, ногиронларни ўқитиш, иш билан таъминлаш бўйича режалаштирилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ногиронлар жамияти қошидаги ўқув курслари компьютерлар, ўқув жиҳозлари, мутахассис-ўқитувчилар билан таъминланиб, тингловчиларнинг биринчи гуруҳи ўқишни бошлади. Иккинчи лойиҳа бўйича шаҳар ногиронлар жамияти томонидан Жиззах туманидан беш гектар ер олиниб, боғ барпо этилди, чорва озуқаси етиштириш йўлга қўйилди.

— Ногиронлик — ночорлик эмас, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Жиззах вилояти бўлими раиси Абдулла Қаршибоев. — Уларнинг кўпчилиги ўз интилиши ва ҳаракати билан имкониятига яраша ишлаб, даромад қилишга қодир. Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самараларини жисмоний имконияти чекланганларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ҳамда салоҳиятини намоён қилиши учун яратилаётган кенг шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунга кўра ногиронлар учун ўқув курслари очиб, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бундан кўзланган мақсад жисмоний имконияти чекланган инсонларга тўлақонли турмуш кечириши учун кўмаклашишдан иборатдир.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13594 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 01.45
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda